

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси номидан 24.01.2022 й №21 сонли бош ишончнома асосида Р.Холикназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "INVEST QURILISH TA'MIR SERVIS"МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Л.Урманов иккинчи томондан «Бешариқ тумани Қорақўйли МФЙ Булоқбоши ва Чорбоғ кўчаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш» объектга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Бешариқ тумани Қорақўйли МФЙ Булоқбоши ва Чорбоғ кўчаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш» объектда лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар 2022 йил "07" декабрь кунги №201778-сонли электрон баённома билан шакилланган қурилиш монтаж ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **590 000 000** (беш юз тўқсон миллион) сўмни ташкил этади.Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **590 000 000** (беш юз тўқсон миллион) сўмни, молиялаштириладиган маблағ қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган ҳолда **560 500 000**(беш юз олти миш миллион беш юз минг) сўмни, ташкил этади.Қолган маблағ объект фойдаланишга топширилиб кафолат муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

4. Ишлар қиймати узиш-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:-қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-___-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик

бинолардан бўшатиш;-курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома конун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 25 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказилади, бу 177 000 000 (Бир юз етти миллион) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПФ-140-сон Фармонида асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 95 фоизи миқдоридан ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкый ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

41. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига I-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII. Кафолатлар

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

48. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

49. Буюртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; -ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Виложат молия бошқармасидан объектнинг Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқӣ хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Ҳазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга ҳисобланади ҳамда 2022 йил 31 декабр гача амалда бўлади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

"INVEST QURILISH TA'MIR SERVIS" МЧЖ

Манзил: Риштон тумани Фаровонлик МФЙ

Ҳамид Олимдон кўчаси 16 уй

р/сч 20208000800284885001

«Халк банк» Риштон туман филиали

МФО: 00795, ИНН: 302 838 402

ОКЭД: 43120

Тел: 90 064 44 74



Рахбар:
М.У.

Л.Урманов

“Буюртмачи”

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси

Манзил: Фарғона ш. Б.Марғинович 143-уй

Тел./факс: 0-373-244-72-04

шхр: 401722860302157063201110001

СТИР: 305-987-080

ОКОНХ 42210

ХР: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014

СТИР: 201 122 919



Рахбар:
М.У.

Р.Холикназаров

Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Пудратчи раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист

А.А.Нишонов

"УТВЕРЖДАЮ"

"Узсувтаъминот" АЖ "Сув таъминоти ва
оқова сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси" УК Фарғона
вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:
Р.Холиқназаров



2022 й.

Қурилишнинг титуль рўйхати

Бўлим I. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Қурилиш жойи ва номи	"Бешариқ тумани Қорақўйли МФЙ Булоқбоши ва Чорбоғ кўчаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш"				
инвестор	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси				
Буюртмачи	Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси				
Лойихачи номи	QURUVCHI-ME'MOR SERVIS MCHJ				
ЛХС	Бор				
Экспертиза	№75733 20.11.2022 й				
Бош пудратчи	"INVEST QURILISH TA'MIR SERVIS"МЧЖ				
Молиялаштириш манбаси	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси				
Қурилиш бошланиш ва тугаш вақти	2022-й.				
2. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари:	Лойиха бўйича	1.01.2022 й. Холатига колдик	1.01.2023 й. Холатига колдик		
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)	0,4 км/1 объект				
Асосий фондлар	609,59	609,59	0,00		
Капитал қўйилмалар	609,59	609,59	0,00		
Қурилиш монтаж ишлари	590,00	590,00	0,00		
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00	0,00	0,00		
Бошка иш ва хизматлар	19,59	19,59	0,000		
Буюртмачининг сақлаш харажатлари		0,00	0,00		
2022 йил учун МВ ва ИТКҚВ билан келишилган манзиллий рўйхатга асосан	Шартнома нархларида (млн.сўм)				
Қуввати (ўлчов бирлигларига асосан)	0,4 км/1 объект				
Асосий фондлар	609,59				
Капитал қўйилмалар	609,59				
Қурилиш монтаж ишлари	590,00				
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00				
Бошка иш ва хизматлар	19,59				
Буюртмачининг сақлаш харажатлари	0,00				
Бўлим II. 2022 йил чорақлар бўйича. (жорий нархда млн.сўм)	жумладан чорақлар бўйича				
	йиллик жами	I	II	III	IV
Фойдаланишга топшириш қуввати	0,4 км/1 объект				
Асосий фондлар	609,59				
Капитал қўйилмалар	580,09	0,00	0,00	0,00	580,09
Қурилиш монтаж ишлари	560,50	0,00	0,00	0,00	560,50
Ускуна, жихозлар, инвентарлар	0,00				
Бошка иш ва хизматлар	19,59				19,59
Буюртмачининг сақлаш харажатлари	0,00				

Пудратчи:

"INVEST QURILISH TA'MIR SERVIS"МЧЖ



Л.Урманов

**“Бешарик тумани Қорақўйли МФЙ Булоқбоши ва Чорбоғ кўчаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш”
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини бажариш графиги**

Ишлар бажариш даври - 2 ой
 Жами қурилш қиймати 590 000 000 (беш юз тўқсон миллион) сўм ҚҚС билан
 2022 йилда бажарилган ишлар қиймати 590 000 000 (беш юз тўқсон миллион) сўм ҚҚС билан
 2023 йилда бажарилган ишлар қиймати

Ишлар номи	қурилиш қиймати	2021 йилда бажарилган ишлар қиймати	2022 йилда бажарилган ишлар қиймати	2022 йил												Ишдан йилга ўтувчи объектнинг 2023 йил учун қолдиқ қиймати
				Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь			
Объект бўйича жами	590 000 000,0	0,0	590 000 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	590 000 000	
Шу жумладан:																
Қурилиш монтаж ишлари	590 000 000,0		590 000 000,0												590 000 000	
Усуна, жихозлар, инвентарлар	0		0													

Буюртмачи: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УҚ Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

Р.Холиқназаров

Р.Холиқназаров



Л.Урманов

"INVEST

QURILISH TA'MIR SERVIS' MJZ

“Бешарик тумани Қорақўйли МФЙ Булоқбоши ва Чорбоғ кўчаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш”
Объекти бўйича қурилиш монтаж ишларини молиялаштириш графиги


Жами қурилиш қиймати 590 000 000 (беш юз тўқсон миллион) сўм ҚҚС билан
2023 йилда молиялаштирилган маблағ 560 500 000(беш юз олти миң миллион беш юз минг) сўм ҚҚС билан

2022 йилда молиялаштирилган маблағ (шундан кафолат суммаси ушлаб қолинди)

Молиялаштириш шартлари	Жами қурилиш қиймати	2021 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йилда молиялаштирилган маблағ	2022 йил												2022 йилда учун 5 % ли сума	2023 йилда қолган маблағ	
				Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Дектябрь				
Аванс 30 %	177 000 000		177 000 000															
Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш 65 %	383 500 000		383 500 000															
Фойдаланишга топширилиб, кафолат муддати тутагандан сўнг молиялаштирилган маблағ 5 %	29 500 000,0	0																29 500 000,0
ЖАМИ:	590 000 000,0	0	560 500 000	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	29 500 000



Буюртмачи:
“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш бўйича илғажиринг компанияси”
УК Фаргона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи

Р.Холикназаров




“INVEST
QURILISH TA’MIR SERVIS” MCHJ

Л.Урманов

ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚИЛИШ 0504/8909/1/2200103-001-сонли ПОЛИСИ

Мазкур Суғурта полисига (бундан буён - Полис) асосан Суғурталовчи, Полисда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, Суғурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Полисда белгиланган суғурта пули доирасида зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.


Мазкур Полис, Полиснинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 2022 йил «13» декабрдаги 0504/8909/1/2200103-сонли "Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш" шартномаси доирасида тузилган.

1	Суғурталовчи	“APEX INSURANCE” АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 20.04.2019 йилдаги СФ 00241-сонли Лицензияси Юридик манзил: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 154 А уй. телефон: + (99871) 203 08 08, қисқа рақам 1188 Суғурталовчи тўғрисида батафсил маълумот ушбу сайтада: https://apexinsurance.uz
2	Суғурта қилдирувчи	«INVEST QURILISH TA'MIR SERVIS»» МЧЖ
3	Қурилиш объекти номи	“Бешариқ тумани Қорақўйли МФЙ Булоқбоши ва Чорбоғ кўчаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш”
5	Суғурта ҳодисаси	Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодалайдиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш- монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилиши.
6	Суғурта пули	472 000 000,00 (Тўрт юз етмиш икки миллион) сўм
6.1.	шу жумладан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги бўйича	
7	Суғурта мукофоти	131.000,0 (Бир юз ўттиз бир минг) сўм

Полис 2022 йил 13 декабрда имзоланган ва 2023 йил 08 январ соат 23:59 қадар амал қилади.
Суғурталовчининг жавобгарлиги мазкур полиснинг 7 бандида кўрсатилган суғурта мукофоти ёки унинг қисми
тўлангандан кейин юзага келади.

Суғурталовчи номидан:

Ш.Б.Джурабоев
Ф.И.Ш. (мансаби)



13.12.2022 й.
сана

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини
мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

0293408

"Сўв таъминоти ва оқова сўв объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси" УЎК Фаргона вилояти хушудий бошқармаси буюртма қилинган
 Жамоатчилик фирми асосида шакллантирилган талбирларни танлаб олиш ва "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" ҳисобидан
 Тоза чимлик сўви объектларини қуриш бўйича дастлабки
МАНЗИЛДИ РЎЙХАТИ



№	Объектлар номи ва мазмуни	Қурилиш босқичи ва фойдаланиш йили	Дойиза қиммати	Объектнинг умумий қиймати (нартном асосда) жумладан, буюртмачи билан ҳарajatлари	01.01.22 й. ҳолатида яилда ўтувчи объектнинг ҳисобидан қилинган жумладан, буюртмачи билан ҳарajatлари	01.01.22 й. ҳолатида объектнинг ҳисобидан қилинган жумладан, буюртмачи билан ҳарajatлари	01.01.22 й. ҳолатида объектнинг иш қилинган жумладан, буюртмачи билан ҳарajatлари	2022 йилда ушбу капитал қўйилмавлар димоти			2022 йилда фойдаланишга топширилган			01.01.22 й. ҳолатида яилда ўтувчи объектнинг ҳисобидан қилинган жумладан, буюртмачи билан ҳарajatлари	01.01.23 й. ҳолатида яилда ўтувчи объектнинг ҳисобидан қилинган жумладан, буюртмачи билан ҳарajatлари	Экспортга хушудий рақамли ва сингел рақамли	Танлов (тендер) рақамли ва бўйича бадиномли рақамли ва сингел рақамли	Қуриш бўйича танлов номи
								Жами капитал қўйилмавлар	Қурилиш монтаж ишлари	Жилои	Жами	жумладан, сингел рақамли ҳарajatлари	Мушавир/қўйилма					
1	Кўкон шаҳар Афғонбў МФЙнинг Афғонбў ва Бўриқили қўчаларига ичкилик ва оқова сўв тармоғи тортиши	2022 й	1,02 км					300,00	287,48	12,52								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
2	Бадлод тумани Утарма МФЙ Утарма қишлоқлик Чабобор 1 гузар ва Қурғонова қишлоқликнинг тоза ичкилик сўви билан таъминлаш	2022 й	0,06 км					1 180,00	1 132,55	47,45								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
3	Бадлод тумани Қўрғон МФЙ Болғоли қишлоқи сўви қўчаларига ичкилик сўви чиқариш ва тармоқлар тортиши	2022 й	1,2 км					990,00	948,58	41,42								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
4	Бўвайда тумани Қорқўч МФЙ Ободгўзор Бўв Нурдидебр, Файлим, Тоғ қўчаларига тоза ичкилик сўви билан таъминлаш	2022 й	2,9 км					850,00	823,02	26,98								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
5	Бешариқ тумани Қоракўёғли МФЙ Бўлоқбоши ва Чорбоғ қўчаларига тоза ичкилик сўви билан таъминлаш	2022 й	0,4 км					600,00	570,96	29,04								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
6	Қурғот тумани Тоқош МФЙ Гузар ва Қурғот қўчаларини тоза ичкилик сўви билан таъминлаш ҳамда Дўстлик Муставиллик ва Мевадор қўчаларига ичкилик сўв тармоғини реконструкция қилиш	2022 й	0,36 км					1 200,00	1 151,91	48,09								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
7	Бешариқ тумани Дўстлик МФЙ Бешовул ва Файл қўчаларини ичкилик сўви билан таъминлаш	2022 й	2,59 км					630,00	597,88	32,12								Танлов (тендер) савдолари оралиги аниқланган
	ИЖЖЖЖ ДҚИ																	

